

Қулоқ ва қулоққа тегишли шаръий ҳукмлар



07:10 / 15.06.2019 3756

Қулоқ эшитиш аъзоси, эшитиш эса товушларни идрок қилишдир.

Ҳукмлар:

1. Янги туғилган чақалоққа ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқомат айтилади. Гўдакнинг биринчи эшитган каломи холис тавҳиди бор азон бўлиши учун.
2. Фуқаҳолар мункар (гуноҳ)ларни эшитиш мумкин эмас, эшитишдан қулоқларни тўсишни вожиб дейишган. Агар бир киши гуноҳ сўзлар эшитилаётган жойдан кетишга имкони бўлмаса, ундан бирор нарса эшитмаслик учун бармоқларини қулоқларига қўяди.

Ибн Умар розияллоҳу анҳу қилганлари каби, Нофеъ ривоят қилади: «Ибн Умар розияллоҳу анҳу чўпоннинг қамиш сурнайининг овозини эшитганларида икки бармоқларини қулоқларига қўйдилар ва йўлдан эгарларини бурдилар. Сўнг, «Эй Нофеъ, эшитяпсанми?» - дедилар. Мен: «Ҳа» дедим. То «йўқ» демагунимча юривердилар. Сўнг бармоқларини қулоқларидан олиб эгарни йўлга тўғирладилар ва «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чўпоннинг сурнайини овозини эшитгаларида шундай қилганларини кўрганман», дедилар. (Аҳмад, Абу Довуд, Ибн Можа)

3. Қулоқ аёлларнинг аврати эканлигига ва номаҳрамларга кўрсатиш мумкин эмаслигига фуқаҳолар иттифоқ қилишган. Қулоқларга осиладиган зийнатлар (зирақ каби) ботиний безак ҳисобланиб, уни ҳам кўрсатиш жоиз эмас. Шунингдек, фуқаҳолар зирақ аёлларнинг зийнати эркакларники эмаслигига иттифоқ қилишган.

4. Эркакларга тахрима ва ийд такбирларида қўлларини қулоқ баробаригача кўтаришлари суннат.

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни бошлаш учун такбир айтганларида, қўлларини қулоқларини юмшоқ жойига етгунча кўтарардилар».

5. Қулоқ бошнинг бир қисми. Таҳоратда қулоқлар ювилмайди, балки бошнинг бир қисми бўлгани учун маҳс тортилади. Маҳс тортиш учун янги сув олинмайди.

6. Муаззин азон айтаётганда қўлларини қулоқларини юмшоқ жойига қўйиши мустаҳаб.

(Давоми бор)